

References:

1. Muminov N.G. *Industrial economy: Textbook. Part I / T.: "Tafakkur-bostoni" publishing house, 2020.*, 261 pages.
2. Artikov A. *Industrial economy. Textbook - T.: Publishing House of the Literary Fund of the Writers' Union of Uzbekistan, 2014.* 220 pages.
3. A.A. Ibraimova, *Socio-economic cartography [Text]: study guide-Tashkent: Tafakkur tomchilari, 2020.-306p.*
4. L.H. Gulomova, E.Yu. Safarov, I.O.Abdullaev, *Geographic information systems and technologies Part 2, Tashkent: 2013.*
5. J.B. Sulaymanov, Sh.F. Nishonkulov, M.R. Gafurov, *Geographic information systems and applied economics: preliminary discussions of potential applications and contributions, Kokan 2021, p. 1371-1377.*
6. Wu Qinghong, *Directions for the use of production potential in the development of industry in the regions, Tashkent: Scientific electronic journal of economics and innovative technologies, 5/2022, p. 228-233.*
7. I.J.Bateman, A.P.Jones, A.A. Lovett, I.R.Lake and B.H. Day, *Applying geographical information system (GIS) to environmental and resource economics, Netherland, Environmental and resource economics 22: 219-269 p.*
8. T.Kh. Boltayev et al.; *Scientific basis of geoinformation system: Study guide., Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan. Tashkent Institute of Irrigation and Reclamation. "T.: Economy-Finance, 2016. 284 p.*
9. E.Y.Safarov, K.A.Abdurakhimov, R.K.Oymatov - *Geoinformation Cartography training manual, Tashkent University 2012.*
10. R. Sobitova and Sh. Yormatov – *Industry diversification in the conditions of modernization of the economy||. // –Economy and Finance||. -2012.*
11. M.Q. Sultonov, *Geoinformation cartography (teaching manual) - Urganch, 2014.*
12. www.stat.uz is the official website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan.
13. ESRI - ArcGIS Pro User Guide (<https://pro.arcgis.com/en/pro-app/latest/get-started/arcgis-pro-system-requirements.htm>)
ESRI - ArcGIS Pro dasturi hamda ArcGIS Online dasturi orasida bog'lanish (<https://pro.arcgis.com/ru/pro-app/latest/get-started/migrate-content-to-arcgis-pro.htm>)



**ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ҲУДУДЛАРДАГИ МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА
УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a73

Мухамаджсанов Шаҳриёр Солижон ўғли -
“Эл-юрт умиди” жамғармаси
бўйим бошлиғи

Аннотация. Мазқур мақолада Ўзбекистонда махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш доирасида ҳудудларда махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш ва ривожлантириш ҳолати ўрганилади. Инвестиция лойиҳаларини интенсив жойлаштириш орқали инвестицион фаолликни таъминлашнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинади. Шу билан бирга, ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш тизимини тақомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар тақдим қилинган.

Калим сўзлар: инвестиция, ҳудуд, махсус иқтисодий зоналар, инвестиция жозибадорлиги, инвестицион муҳим, баҳолаш.

**АНАЛИЗ РОЛИ ОСОБЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН И ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
В ПОВЫШЕНИИ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ**

Мухамаджсанов Шаҳриёр Солиджсанович -
Начальник отдела Фонда «Эл-юрт умиди»

Аннотация. В данной статье рассматриваются научно-теоретические основы повышения привлекательности инвестиционной среды, в том числе концепции эффективной инвестиционной политики в целях обеспечения конкурентоспособности регионов ученых национальной школы инвестиционной политики. При этом представлены научное предложение и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения инвестиций в регионы.

Ключевые слова: инвестиции, регион, особые экономические зоны, инвестиционная привлекательность, инвестиционный климат, оценка.

**ANALYSIS OF THE ROLE OF SPECIAL ECONOMIC ZONES AND THEIR ACTIVITIES IN
INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT**

Mukhamadzhanov Shakriyor Solidjanovich -
Head of Department, El-Yurt Umidi Foundation

Abstract. This article discusses the scientific and theoretical foundations for increasing the attractiveness of the investment environment, including the concept of an effective investment policy in order to ensure the competitiveness of the regions of the scientists of the national school of investment policy. At the same time, a scientific proposal and practical recommendations for improving the system for attracting investments to the regions were presented.

Key words: investments, region, special economic zones, investment attractiveness, investment climate, assessment.

Кириш. Иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиши учун, табиийки, молиявий ресурслар оқимининг фаоллашуви, уларни жалб қилишдаги узлуксизлик талаб этилади. Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларига, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва инфратузилма тармоқларини ривожлантириш мақсадида тузиладиган махсус иқтисодий зоналардаги инвестицион фаолликни ошириш, бу борада уларнинг инвестицион фаолиятини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, уларга замонавий технологияларни жалб этиш, ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги илғор тажрибалар асосида эркин иқтисодий ҳудудлардаги иқтисодий бошқарув механизмларини модернизациялаш бугунги кун иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Худудларнинг инвестиция муҳитини ривожлантиришда бир қанча механизмлар мавжуд ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасида ҳудудлардаги инвестиция муҳитини шакллантириш ва ривожлантириб боришда махсус иқтисодий зоналар омилидан кенг фойдаланилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий ўсишга фақат мамлакатда инвестиция фаоллигини ошириш, миллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш шароитида эришиш мумкин. Қатор мамлакатлар тажрибаси (Хитой, Жанубий Корея, Ирландия, Венгрия, Тайвань ва ҳ.к.) шуни кўрсатмоқдаки, инвестициявий фаолликни рағбатлантирувчи жуда самарали восита махсус иқтисодий зоналарни яратишdir.

Божхона тўловлари, солиқ солиш, субсидиялаш, баҳо белгилаш, валютада алоҳида имтиёзли тартиб ўрнатиш ва ўзига хос механизмларни қўллаш орқали ҳудудий инвестиция муҳитини яхшилаш натижасида ҳудудларга кўплаб микдорда молиявий, моддий, технологик ва меҳнат ресурсларини ўзига жалб қиласи. Бунинг натижасида эса иқтисодий ривожланиш жадал суръатлар билан ўсади: валюта тушумлари ошади, ички бозор рақобатбардош товар ва хизматлар билан бойийди, экспорт ҳажми ҳам кўпаяди. Буларнинг ҳаммаси ҳудудий, мамлакатнинг иқтисодий ривожанишига, инвестиция муттихи жозибадорлигининг ривожланишига ижобий таъсир этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, иқтисодий луғатларда махсус иқтисодий ҳудудларнинг хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантиришига урғу берилган. У ерда ёзилишича: “Махсус иқтисодий ҳудуд: хориж капитали иштирокидаги

фаолиятни рағбатлантирувчи, имтиёзли валюта-молиявий ва анчайин қулай солиқ режимларига эга бўлган ҳудуддир” [1].

Иқтисодчи олим В.Д.Адрианов: “Махсус иқтисодий ҳудудлар миллий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, иқтисодий муаммолар ечимини тошида, инвестицион фаолликни оширишда кенг имкониятларни яратиб беради [2]”, – дея ўз фикрини билдирган.

Иқтисодчи олимлардан Т.П.Данъко ва З.М.Оқрут махсус иқтисодий ҳудудларни “...қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни, илмий фаолиятни рағбатлантириш механизми” сифатида баҳолаган[3].

Маҳаллий етук иқтисодчи олимлар А.Вахабов, Ш.Хажибакиев, Н.Муминовнинг фикрича, “эркин иқтисодий ҳудуд – маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиласидан чегараланган ҳудуд” [4].

С.Мирзалиева томонидан берилган таърифга кўра, “эркин иқтисодий зона мамлакат ҳудудининг муайян ижтимоий, иқтисодий, технологик вазифаларни ҳал этиш мақсадида барпо этиладиган, махсус маъмурий бошқарувга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг имтиёзли режимига эга бўлган қисмидир” [5].

Ш.И.Мустафақуловнинг таъкидлашича, эркин иқтисодий ҳудуд – бу мамлакатнинг имижи ҳам. Эркин иқтисодий ҳудудлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатнинг либераллашувига хизмат қиласи. Эркин иқтисодий ҳудуд қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради [6].

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамай, айнан бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислоҳотлари шароитида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини кенг қамровли статистик таҳлил қилишни такомиллаштириш, иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи омилларни статистик моделлар асосида баҳолашга қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган, шу боис танланган мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Мақоланинг мақсади иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида олимларнинг инвестициялар ва инвестиция жозибадорлиги соҳасидаги назарий билимларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Мақолада статистик маълумотларни иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш,

мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳудудларга инвестицияларни жалб этишдаги асосий мезонлардан бири инвестиция муҳитини яхшилаш, унинг жозибадорлигини таъминлаш, ҳудудлардаги ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари ва ишлаб чиқариш кучларини қулай тарзда жойлаштириш орқали ишбирламонлик муҳитини ривожлантириш ҳисобланади.

Махсус иқтисодий зоналардаги солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар, нисбатан арzon маҳаллий ишчи кучи, хомашё ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни мамлакатга киритиш ва чиқаришнинг соддалаштирилган тартиби жуда катта миқёсдаги хорижий инвесторларни бундай ҳудудларга келишга, ишлашга жалб қиласди. Бу эса ўз навбатида, ҳудудда, мамлакатда олдин бўлмаган технологияларнинг олиб келинишига ва замонавий ишлаб чиқаришларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлади.

Шу муносабат билан махсус иқтисодий зоналар яратиш мамлакат ҳудудларининг инвестиция муҳити жозибадорлиги ва иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали усулларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда "сўнгги йилларда қўшимча 19 та эркин иқтисо-

дий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилиб, уларнинг инфратузилмасига 10 триллион сўм йўналтирилди. Тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электротехника каби соҳаларни "драйвер"га айлантириш учун 3 миллиард долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноатни зарур хомашё билан таъминлаш мақсадида геология-қидирув ишлари З баробарга кўпайтирилиб, 600 тадан зиёд янги кон аниқланди. Натижада охирги беш йилда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингтага етди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 бараварга кўпайди" [8]. Ҳозирга қадар 22 та эркин иқтисодий зоналар, 400 дан ортиқ кичик саноат зоналари, 220 га яқин ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолият юритмоқда. Ушбу саноат зоналарида "100 мингта иш ўрни яратилиб, йилига қўшимча 45 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Шунингдек, саноат зоналаридаги корхоналар йилига 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда. Беш йил аввал саноат умуман бўлмаган 11 та туманда 205 та янги корхона иш бошлаб, бугунги кунда уларда саноат ҳажми 2 баробар ошди" [9].

Айтиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар ҳудудлардаги инвестиция муҳитини яхшилашда муҳим вазифалардан бирини бажармоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар фаолият йўналишлари асосида ихтисослашган:

"Саноат" йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар

12 та:

- "Навоий",
- "Ангрен",
- "Жиззах",
- "Ургут",
- "Фиждувон",
- "Қўкон",
- "Хазорасп",
- "Нукус",
- "Сирдарё",
- "Чирокчи",
- "Наманган",
- "Термиз"

"Фармацевтика" йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар

6 та:

- "Зомин-фарм",
- "Бўстонлик-фарм", "Сирдарё-фарм",
- "Косонсой-фарма",
- "Андижон-фарм",
- "Паркент-фарм"

"Туризм" йўналишидаги туристик-рекреацион зона

2 та:

- "Чорвок", "Зомин"

"Қишлоқ хўжалиги" йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар

2 та:

- "Бухоро-агро",
- "Қорақалпок-агро" эиз

1-расм. Ўзбекистонда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият йўналиши бўйича ихтисослашви

Манба: муаллиф ишланмаси.

1-расмга кўра, бугунги кунда республика ҳудудларида ташкил этилган эркин иқтисодий

зоналар 4 та йирик йўналишга ихтисослашган бўлиб, ушбу экрин иқтисодий зоналар "саноат"

йўналишида 12 та, “фармацевтика” йўналишида 6 та, “туризм” йўналишида 2 та, “қишлоқ хўжалиги” йўналишида 2 та ташкил этилган.

Худудларнинг инвестиция мұхити жозибадорлигини ривожлантириш борасида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари:

- ташқи бозорларда талаб катта бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

- вилоятларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишини таъминлаш;

- мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиши, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз

кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, курилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- маҳаллий хомашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман, республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг қарорлари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чоратадбирларини кўриш” [10].

1-жадвал

Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати тўғрисида маълумот (20.12.2022 йил ҳолатига)

№	ЭИЗларнинг фаолият йўналишлари	Кўрсаткичлар	
1.	“Саноат” йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар	Тўғридан-тўғри инвестициялар, млрд. АҚШ доллари	1,6
		Бошқа турдаги инвестициялар, млрд. АҚШ доллари	4,5
		Инвестиция лойиҳалари сони, та	566
2.	“Фармацевтика” йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар	Киритилган инвестициялар, млн. АҚШ доллари	282
		Инвестиция лойиҳалари сони, та	46
		Ишлаб чиқариш диверсификацияси, маҳсулот тури шу жумладан:	440
		дори воситалари турлари	400
		тиббиёт техник воситалари	40
		Киритилган инвестициялар, млн. АҚШ доллари	449
3.	“Туризм” йўналишидаги туристик-рекреацион зоналар	Инвестиция лойиҳалари сони, та	61
		Туристик инфратузилмалар сони, та	75
		Киритилган инвестициялар, млн. АҚШ доллари	652,2
4.	“Қишлоқ-хўжалиги” йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар	Инвестиция лойиҳалари сони, та	308
		Иш ўринлари сони, та	9817
		Замонавий иссиқхона хўжаликлари сони, та	1210
		Киритилган инвестициялар, млн. АҚШ доллари	449,0

Манба: муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона портали маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

1-жадвалга кўра, “Саноат” йўналишидаги эркин иқтисодий зоналарга киритилган умумий қиймати 1,6 млрд. АҚШ доллари бўлган тўғридан-тўғри ҳамда 4,5 млрд. АҚШ доллари бўлган бошқа турдаги инвестициялар жалб этилиб, киритилган инвестициялар ҳисобига жами 566 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган. “Фармацевтика” йўналишидаги эркин иқтисодий зоналарга 282 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар жалб этилган. Ушбу йўналишда 46 та инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 400 турдаги дори воситалари, 40 турдаги тиббиёт техник воситалари ишлаб чиқарилган. “Туризм” йўналишидаги 2 та туристик-рекреацион зоналарда ташкил этил-

ган 75 та туристик инфратузилмаларни барпо этиш мақсадида умумий қиймати 449,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 61 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган. Бухоро ва Қорақалпоғистонда ташкил этилган “Қишлоқ-хўжалиги” йўналишидаги эркин иқтисодий зоналарда ҳозирга қадар 308 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида умумий қиймати 652,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар киритилган. Мазкур инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилган 1210 та замонавий иссиқхона хўжаликларида 9800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Бундан ташқари маҳсус иқтисодий зоналарнинг бир тури бўлган эркин иқтисодий зона-

ларнинг инвестиция муҳитини тадқиқ этиш давомида қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилди.

2-жадвал

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитини таҳил қилишга доир кўрсаткичлар

20.12.2022 йил ҳолатига

Эркин иқтисодий зона номи	Ишлаб чиқариш куввати (млрд. сўм)	Экспорт хажми (млн. долл.)	Умумий ер майдони, га	Муҳандислик-коммуникация ва бошқа объектлар билан банд бўлган ер майдони, га	Лойиҳалар жойлаштирилган ер майдони, га	шундан:		бўш ер майдони, (га)
						Амалга оширилган лойиҳалар эгаллаган ер майдони (га)	Амалга оширилаётган лойиҳалар эгаллаган ер майдони (га)	
Жами (22 ЭИЗ)	18179,81	399,96	15128,04	6489,83	3261,39	1635,4	1565,99	4663,03
"Ангрен"	5376,42	62,60	4125	3259,9	435,46	193,26	242,2	429,64
"Навоий"	3580,01	58,65	644,1	208,4	305,7	127,7	178	177,3
"Наманган"	233,51	15,20	681,4	220,39	93,6	50,67	42,93	367,41
"Жиззах"	2195,84	29,58	574,8	271,6	227,5	109,4	118,1	75,7
"Ургут"	2249,99	62,56	1842,8	568,2	248,1	138,6	109,5	445,7
"Сирдарё"	1405,54	68,11	684,4	388,1	196,45	128	68,45	99,85
"Ҳазорасп"	207,99	4,48	550,4	201,1	43,84	19,09	24,75	305,46
"Қўқон"	1753,05	56,78	709,3	355	177,4	126,1	51,3	176,9
"Нукус"	78,97	1,35	255,29	24,3	24,88	7,04	17,84	206,11
"Фиждувон"	540,76	32,55	467,5	92,5	65,6	46,1	19,5	108,1
"Термиз"	8,58	0,00	108,6	9,6	9	2	7	51
"Чироқчи"	-	0,00	60	0	60	0	0	60
"Сирдарё-фарм"	133,21	0,77	212,8	158,8	44,1	27,1	17	9,9
"Зомин-фарм"	4,50	0,07	103,45	26	10,4	4	6,4	67,1
"Андижон-фарм"	64,00	0,00	52,7	5,5	35,72	1,64	34,08	11,48
"Косонсой-фарм"	45,85	1,10	105,5	89	11,5	4,7	6,8	5
"Бўйтонлиқ-фарм"	0,00	0,00	41,5	4,5	22,7	2,6	20,1	14,3
"Паркент-фарм"	0,00	0,00	25	7,27	13,68	4,4	9,28	4,05
"Бухоро-агро"	301,61	6,17	3008,1	555,9	1235,76	643	592,76	1216,4
"Чорвоқ" ТРЗ	-	-	94805,32	0	1000,02	892	108,02	0
"Қорақалпоқ-агро"	-	-	875,4	43,77	0	0	0	831,63
"Зомин" ТРЗ	-	-	2707,2	0	0	0	0	0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвалга кўра, мавжуд эркин иқтисодий зоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати 18179,81 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу иқтисодий зоналар томонидан жами 399,96 млн. АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорт қилинган. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитини таҳил қилишга доир кўрсаткичларга кўра, республикадаги барча эркин иқтисодий зоналар учун умумий ҳисобда 15128,04 га ер майдони ажратилган. Инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида 6489,83 га ер майдонида муҳандислик-коммуникация ва бошқа объектлар жойлаштирилган. Ажратилган умумий ер майдонининг 3261,39 га қисмига инвестиция лойиҳалари жойлаштирилган. Шундан 1635,4 га ер майдони амалга оширилган лойиҳалар, 1565,99 га ер майдони амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига тўғри келади. Шу билан биргаклида, саноат зоналарини ривожлантириш

борасида ҳудудларда қилинадиган ишлар ва муаммолар кўп. Жумладан:

“ – 96 та кичик саноат зонасининг бош режаси ҳалигача тасдиқланмагани боис уларда 3,5 триллион сўмлик 648 та тайёр лойиҳалар бошланмасдан турибди;

– ҳудди шундай саноат зоналари майдонларининг 37 фоизи электр, сув, газ, йўл ва канализация билан таъминланмаган;

– саноат зоналарида лойиҳаларни бошлаш учун тадбиркорлар 5 та босқичли жараёндан ўтиб, 10 турдан ортиқ ҳужжатларни тақдим этиши лозим (бунга 3 ойгача вақт сарфланмоқда);

– оқибатда ҳозирда Бухорода 10 та, Тошкент вилоятида 5 та, Самарқанд ва Фарғонада 1 тадан лойиҳа бошланмасдан турибди” [9].

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, ҳудуднинг инвестиция муҳити иқтисодий ва нодавлат сектор фоалиятини

ривожлантириш, юқори иқтисодий манбаатдорликни таъминлаш мақсадида инвестицияларни жалб этишга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий, шу жумладан, тариф-нотариф имтиёзлар, ижтимоий чораларнинг амалга оширилганлик даражаси ва механизми ҳисобланади.

Саноат зоналарига инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш борасида янги механизмни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

биринчидан, саноат зоналари иштирокчилигига имтиёзларни қўллаш учун Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг хulosасини олиш тартиби бекор қилиниб, имтиёзларнинг самарадорлигини иқтисодий баҳолаш ҳамда бу борада хulosаларни беришни божхона ташкилотлари зиммасига юклатиш мақсадга мувофиқ;

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Краткий внешнеэкономический словарь-справочник. Под редакцией В.И.Рыбалкин. – М.: Международные отношения, 1991. С. 82.
2. Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. // Журнал «ЭКО». 1997, (№ 3), с. 42.
3. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. // ИНФРА-М, 1998. С. 168.
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланама. – Т.: Молия, 2010. 180-бет.
5. Мирзалиева С.С. Махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришининг хориж тажрибаси. И.ф.н. иммий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2001. 8-бет.
6. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2001. 326-бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 10 январдаги “Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини таъминлаш, мавжуд имкониятлар ва янги заҳираларни сафарбар этиш чоратадбирлари” юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқидан. https://uz.aуз/uz/posts/2023-yilda-100-ta-mikro-ges-qurish-boyicha-loyihalar-boshlanadi_443684
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 26 майдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни мұхәндислик-коммуникация инфраструктуруның билан таъминлаш чоратадбирлари” юзасидан видеоселектор йиғилиши”даги нутқидан. <https://www.xabar.уз/jamiat/shavkat-mirziyoyev-bugun-ham>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилек маълумотлари миллий базаси. <https://lex.уз/docs/3096605>
11. Ўзбекистон Республикаси эрkin иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона портали маълумотлари. https://sez.gov.уз/?page_id=6022&lang=uz#

иккинчидан, эрkin иқтисодий зоналар худудидаги ер майдонларини ажратиша ерни аукционга дирекциялар томонидан қўйиш лозим (амалда ҳокимлик томонидан аукционга қўйилади);

учинчидан, инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейин кичик саноат зоналаридаги объектларни хусусийлаштириш амалиётини жорий этиш.

Мазкур механизмининг жорий этилиши натижасида саноат зоналарига лойиҳаларни жойлаштириш жараёнидаги босқичлар амалдаги 5 тадан 2 тага камаяди, сарф қилинадиган вақтни 3 ойдан 1 ойгача қисқартириш имконияти мавжуд бўлади.